


Бошқа динларда зинога муносабат



09:03 / 21 ноябрь 1736

Зино ниҳоятда оғир гуноҳдир. Барча самовий шариатлар бу гуноҳнинг ёмонлиги ва оғирлигига иттифоқ қилган. Яҳудий, Насроний ва Ислом шариатининг таълимоти бу борада очиқ-ойдиндир. Қуйида уларнинг хулосаси тақдим қилинади.

Яҳудий динида зинонинг ёмонлиги ва унинг жазоси

Яҳудий шариатида зинонинг ҳукми ҳаромдир ва уни ниҳоятда оғир жиноят деб қарор қилинган. Зино энг нопок ва ифлос қилувчи амал деб тасдиқланган. Тавротда Аллоҳнинг азоби зинокорларга бўлиши айтилган.

Аллоҳ таоло жуда кўп умматлар ва қавмларни зинога мубтало бўлганларида ҳалок қилган. Аллоҳ таолонинг Бани Исроилга, зино қилманглар, йўқса, сизларни ҳалок этиб, барбод қиламиз, деган амри бор эди. Яҳудий шариатида зинога оғир жазолари тайин қилинган. Таврот ҳукмига кўра зинокорга қатл, тошбўрон ва ёқиб юбориш жазолари тайин этилган. Зинонинг ёмонлиги назарда тутилиб, нафақат зино ҳаром деб айтилган, балки, унинг сабаб ва воситаларидан ҳам қайтарилгандир. Шунга кўра, бадназарлик, бегона аёллар билан ҳамсуҳбат бўлиш ва ҳоказо ишлар ман этилган.

Насроний динида зинога муносабат

Насроний динида ҳам зино гуноҳи кабирадир. Инжилнинг жуда кўп ўринларида бу жинойтдан қайтарилган.

Инсонларга қилинган ўн муҳим васиятдан бири зино қилмаслик бўлган. Унда зино Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлади дейилган. Нафақат зинонинг ўзи, балки унинг йўллари ва сабабларидан ҳам воз кечиш таъкидланган. Зинокорлар ила алоқа ўрнатишликдан қайтарилган. Насроний дини таълимотида бу мавзуга батафсил ва жиддий эътибор қилинган.

Ислом динида зинога муносабат

Динимизда зино қатъий ҳаром деб айтилган. Қуръон ва ҳадис далилларида зинонинг шаръий ва ақлий ёмонликлари ошкора баён қилинган. Масалан, ароқ (хамр) баъзи маслаҳат (фойда)лар сабабидан турли хил босқичларда ҳаром қилинган. Лекин зинони аввал-бошданок, ҳеч қандай риоясиз, қатъий ва очиқ тарзда ҳаром, беҳаёлик, йўлдан чиқиш ва ёмонлик деб ҳукм қилингандир. Исро сурасининг 23-оятда аввал зинодан, ундан кейин ноҳақ қатл этишдан қайтарилган. Бу тартибнинг ҳикмати баён қилар экан. Имом Розий раҳматуллоҳи алайҳ шундай ёзганлар: «Куфрдан кейин энг катта гуноҳ ноҳақ қатлдир. Кейин зинодир. Лекин шунга қарамасдан, бу оятда зинонинг зикри қатлдан аввал келди. Ҳикмати шуки, қайси жамиятда зино эшиклари очилса, унда қатл ва талон-торож кенг тус олади. Зино туфайли қотиллик очиқ ва осон бўлади. Шунинг учун зино қатлдан олдин зикр қилинган» («Ат-тафсирул кабийр», 2/199).

Динимизга кўра, зино шунчалар ёмонки, бу ишни қилган одам иймон нури ва лаззатидан маҳрум деб ҳукм қилинган. Унинг дуолари мақбул бўлмаслиги айтилган. Зино натижасида пайдо бўладиган ижтимоий ва шахсий мусибатлар ҳамда мушкулликларни зикр қилиш билан бу гуноҳнинг нақадар қабихлиги очиқ- ойдин кўрсатиб берилган.

Эркаклар зиммасига оиласининг обрўйини сақлаш юклатилгандир. Иффат муҳофазаси учун ҳатто жон фидо этишга ижозат берилган ва унга шаҳидлик мақоми ваъда қилингандир. Оиласининг шаънини рашк қилмайдиганлар эса, даюс ва гуноҳкор саналган.

Шунингдек, аёлларнинг зиммасига фаржларини қатъий муҳофаза қилиш юкланган.

Жамиятни зино балосидан сақлаш учун ҳар бир эркак ва аёлнинг зиммасига аниқламасдан туриб бировни бузуқликда айбламаслик, тухмат қилмаслик амри юкланган. Тухмат қилиб, исбот тақдим эта

олмайдиганларга қаттиқ жазо тайинланган. Шунингдек, зинонинг барча ҳолатлари, кўринишлари, омил ва сабабларидан ҳамда унга боғлиқ ҳар қандай катта-кичик ишлардан ниҳоятда қаттиқ ва очиқ-ойдин қайтарилган. Мақсад шуки, жамият зинодан буткул пок ва омонда бўлсин.

Юқоридаги тафсилотлардан англаш мумкинки, зино жуда ҳалокатли, хатарли ва оғир жиноят экан. Унинг зарарлари кўплигидан барчасини баён қилишнинг имкони йўқ.

Аслида, зинонинг зарар доираси ниҳоятда кенгдир. У зарарлар охираат ва барзах оламигача ҳам етиб боради. Инсоннинг жасаидан ошиб ўтиб, қалби, ботини ва руҳига, дини, ахлоқ-одоби ва сийратига таъсир қилади. Оила ва жамиятларни бузади. Дунёларни алғов-далғов қилади.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.